



Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



t.me/farhaqiqati

СўНГГИ ҲАФТАДА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

"Эксимбанк" вакиллари вилоятимизга ташриф буюрди

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғонага ташриф буюрган Хитойнинг "Эксимбанк"и (The export-import bank of China) Суверен бизнес департаменти раҳбарларини қабул қилди.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, тадбиркорлар, юртимизда қатор лойиҳалар доирасида ишончли фаолият олиб бораётган Хитойнинг "САНС engineering" компанияси вакиллари ҳам иштирок этган учрашувда Фарғона вилояти иқтисодиётининг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга "Эксимбанк"нинг узоқ муддатли ва имтиёзли молиявий ресурсларини жалб этиш истиқболлари муҳокама қилинди.



Янги инвестициявий лойиҳалар муҳокама қилинди

Ўтган ҳафтада Сингапурнинг "Indorama corporation" компанияси асосчиси ҳамда директорлар кенгаши раиси Шри Пракаш Лохия бошчилигидаги делегация Фарғона вилоятида бўлди.

Хорижий ҳамкорлар Қўқон шаҳридаги "Indorama Kokand fertilizers and chemicals" ва "Фарғонаазот" акциядорлик жамиятлари иш жараёнлари билан танишдилар ҳамда амалга оширилиши режалаштирилаётган модернизация лойиҳаларини кўздан кечиришди.

Шри Пракаш Лохия ташриф дастури доирасида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан ҳам учрашди. Мулоқотда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда режалаштирилаётган инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари бўйича келишиб олинди.

"Nippon" академияси билан ҳамкорлик ўрнатилди

Вилоят ҳокими ўринбосари Иқболжон Эргашев Япониянинг "Nippon" тил ўргатиш академияси президенти Маюко Оно бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқот чоғида мингга яқин ўрганувчига бир вақтда япон тилини ўқиш имкониятига эга бўлган ҳамда дунёнинг ўнлаб давлатларидан юзлаб талабаларга Японияда япон тилидан таълим бераётган мазкур муассаса билан Фарғона вилоятида мактаб битирувчиларига япон тилини ўргатиш ҳамда келажакда уларнинг кунчиқар мамлакатда таълим олишлари ва меҳнат қилишларига имконият яратиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Фарғонада минтақавий конференция


Фарғона шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида Фарғона водийсида рақамли тадбиркорликни ривожлантириш бўйича минтақавий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад Фарғона водийсидаги ИТ тадбиркорлари ҳамда хусусий сектор билан давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашиш, рақамли тадбиркорлик вакиллари билан биргаликда, минтақада рақамли тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш муаммолари ва мавжуд ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилиш ва янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат эди.

Анжуман давомида йўналишдаги мавзулар тақдимотлари бўлиб ўтди.

(Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

Оқил САЛИМОВ, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги



Бу йил Хитой раҳбари Си Цзиньпин асос солган "Бир макон – бир йўл" ташаббусига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан 17-18 октябрь кунлари Пекинда 60 дан зиёд давлат раҳбарлари иштирокида "Бир макон – бир йўл" халқаро III форуми бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қатнашади.

БИЗ РАҚОБАТЧИ ЭТАС, ҲАМКОРМИЗ!

Бундан 2100 йил аввал Хитой империясининг элчиси Чжан Цянь ҳозирги Сиан шаҳридан Гансу, Шинжон орқали Ўрта Осиёга, жумладан, бугун Фарғона водийси деб аталувчи ўлкага юборилган эди. Чжан Цянь гарчи элчи мақомида келган бўлса-да, унинг асосий мақсади Хитойдан Ўрта Ер денгизигача чўзилган Буюк Ипак йўлини ўрганиш бўлган.

У устига юк ортган туя қарвонлари нафақат савдо-сотиққа, балки йўл бўйи мамлакатлари халқларининг тараққиёти ривожланишига ва маданий алмашувига хизмат қилганини кўрган ва бу ҳақида ўзининг ҳисоботида ёзган.

Давоми 4-бетда

"ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ" ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ ХИТОЙДАН ХАБАР БЕРАДИ

ВУХАНЬ – ХУБЭЙ провинциясининг маъмурий маркази



Давлатжон
Полвонов

Фарғоналик журналист Давлатжон Полвонов 9 октябрь куни алоҳида таклиф билан Хитой Халқ Республикасининг Хубэй провинциясига жўнаб кетди. Ҳамкасбимиз сафар таассуротлари билан ўртоқлашиб боради.

ТАҲРИРИЯТ.



Президент қарорлари — амалда

Саҳифадаги кўринишлар Фарғонанинг марказий шифохонасида эмас, узоқ Сўх туманида тасвирга туширилган. Президент қарорлари асосида анклав туманда амалга оширилаётган ислохотлар тиббиёт соҳасини ҳам қамраб олди. Сир эмас, ҳатто 4-5 йил аввал ҳам сўхликлар чегараларни кесиб ўтиб, вилоят марказидаги шифохоналарга даволаниш учун боришар эди. Бугун бутунлай бошқача манзара. Кўркам муассасалар қад ростлади. Замонавий тиббий техник жиҳозлар келтирилди. Энг муҳими, барча тор йўналишлар малакали мутахассислар билан таъминланди. Сўзимиз ҳавойи бўлмасин. Далиллар келтирайлик.



СЎХДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ЯРАТИЛДИ

– Юқумли касалликлар шифохонаси 3,5 миллиард сўм, терапия бўлими 3,7 миллиард, Ленбур қишлоғидаги оилавий поликлиника 2,0 миллиард сўм ҳисобига қурилди, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Санжарбек Исмоилов.

Сўхда илгари кардиология, неврология, эндокринология шифохоналари йўқ эди. Энди-чи? Санжарбек Исмоиловнинг айтишича, янги қурилган шифо масканида бу йўналишлар ташкил этилди.

– Ўн ўринлидан кардиология, неврология ва эндокринология бўлимлари очилди. Ҳозир улар фаолият юритяпти, – дейди у.

Бу каби йўналишларга, шубҳасиз, замонавий тиббий жиҳозлар керак эди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси турли лойиҳа, дастурларга, биринчи галда, Сўх шифохоналарини киритди. Бугун бу ерга бронокоп, рақамли рентген, ҳатто беморнинг ўзи пулт орқали бошқарадиган махсус кро-



келар эди, – дейди жаррох Беҳзод Йўлчиев. – Яқинда лапароскопия аппарати берилди. Шу ойнинг ўзида ўнта операция ўтказдик.

Бинолар тикланди, тиббий жиҳоз, ускуналар келтирилди. Аммо тоғолди, олис, қолаверса, бошқа давлат ҳудудидан ўтиб бориладиган анклав туман – Сўхда малакали шифокорлар етарли эмасди. Фарғона вилояти соғлиқни

ватлар ҳам келтирилган. Шифокорлар лапароскопия ускуналарини-ку орзуламас эдилар. Энди бир неча турдаги жарроҳлик амалиёти ана шу аппаратлар воситасида бажарилмоқда.

– Ўн йилдан буён шу ерда шифокор бўлиб ишлайман. Бунақа тиббий жиҳоз муассасамизда ҳеч қачон бўлмаган. Одамлар авваллари 120 км йўл босиб, Фарғонага бориб операция қилдириб



сақлаш бошқармаси Президент қарорининг моҳиятини тарғиб қилди. Унга кўра, иш ҳақиға устамалар, иш стажига қўшимча ҳисобланиши, энг муҳими, Сўх ва сўхликларни қўллаб-қувватлаш лозимлигини тушунтира олди. Бугун бу туманда бошқа ҳудудлар-

ралиев. – “Мулғон” оилавий шифохонаси маҳалладаги 6,5 минг аҳолига хизмат қилади. Мен бошчилигимдаги шифокорлар гуруҳига икки минг нафар фуқаро бириктирилган. Сўхликлар билан ака-ука, ака-сингил бўлиб кетдик.

Сўх тиббиётидаги энг оғриқли масала – малакали аёл гинекологнинг етишмаслиги эди. Натижада ой-куни яқинлашганлар Фарғонага йўл оларди.

– Туғуруқ бўлимида акушер-гинеколог врачимиз йўқ эди, – дейди Санжарбек Исмоилов. – Мутахассис врач келганидан кейин, масалан, август ойида Сўх туғуруқхонасида 207 нафар чақалоқ дунёга келди. Фарғонага бориб кўзи ёриганлар 43 нафар. Авваллари бунинг акси бўлган. Туманда ҳар ойда 40-45



дан келган 36 нафар шифокор ва мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

– Мен Қува туманиданман. Бир йил бўлди, турмуш ўртоғим билан олис туманга келиб ишляпмиз, – дейди шифокор Зухриддин Боти-

та туғуруқ бўлса, Фарғонага бориб туққанлар 210-220 нафарни ташкил этар эди. Сўхга малакали акушер-гинеколог келганидан сўнг ҳотимилдорлар 120-140 км йўл юриб Фарғонага боришига ҳожат қолмади.

Сўх ва сўхликлар ҳамиша давлат раҳбарининг эътиборида бўлган. Туман тиббиётидаги ўзгаришлар эса ана шу эътиборнинг маҳсулидир.

**Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**

Ислоҳот

ИНВЕСТИЦИЯ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Бувайда туманида жорий йилда тадбиркорларнинг ўз маблағлари, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, тижорат банклари кредитларини жалб қилган ҳолда, Туркия, Литва, Россия Федерацияси, Хитой, Корея Республикаси, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари инвесторлари билан ҳамкорликда йил якунига қадар 24,5 миллион АҚШ долларидек 55 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилди. Бу билан нафақат саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида туманининг экспорт салоҳияти ошади, балки 848 та янги иш ўринлари яратилади.

– Жорий йилнинг тўққиз ойи натижасига кўра, туманда 20 миллион АҚШ долларидан ортиқ чет давлатлар сармояси ва хорижий кредит ўзлаштирилиши кутилмоқда. Бу 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 13,6 миллион АҚШ доллари миқдорида кўп демакдир. Хорижга маҳсулот экспорт қилаётган тадбиркорлик субъектлари сони 29 тага етди. Ўтган давр мобайнида улар томонидан 756 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди, 848 та янги иш ўринлари яратилди, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи Хўжа Аҳмад Умурзақов. – “LG Sabir textile” МЧЖ, “Lanme” МЧЖ каби корхоналар маҳсулотлари ташқи бозордан мустақам ўрин олмоқда.

“Бувайда” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Prof text



plus” масъулияти чекланган жамияти ҳам барқарор фаолият юритаётган корхоналардан бири. Жамият йилнинг уч чораги бўйича 1500 тонна ип калава ва мато экспорти эвазига 3,3 миллион АҚШ долларилик маблағ билан туман иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Мазкур корхонанинг лойиҳа қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 4000 тоннани ташкил этади. Бу ерда уч сменада 450 нафар фуқаролар меҳнат қилмоқда.

Корхонада кунига 12 тоннага яқин ип-калава ишлаб чиқарилади. Халқаро талабларга мос бўлган маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади.

– Фаолиятимизни 2020 йилда бошлаганмиз, – дейди корхона бош ҳисобчиси Акмалжон Муталов. – Бу йил 2 860 минг АҚШ доллари эвазига калава ипни қайта ишлаб, трикотаж мато тўқиш цехини ишга туширдик. Ускуналар Малайзия, Япония ва Туркия давлатларидан олиб келиб ўр-

натилди. Йил якунигача фаолиятни янада кенгайтириб, қўшимча 50 га яқин иш ўрни яратамиз, асосан туман хотин-қизлари ва ёшларининг бандлигини таъминлашни мақсад қилганмиз.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари қизғин паллада. Улкан дастгоҳларни бошқараётган ишчилар билан суҳбатимиз чоғида улар меҳнат ва дам олиш шароитларидан мамнунликларини, махсус автотранспортларда ишга ва уйга қатнашларини, бепул ишчи кийимлари, иссиқ овқат билан таъминланганликларини айтиб ўтишди.

– Уч йилдан буён шу корхонада ишлайман, – дейди “Юлғинзор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Гулбаҳор Қўчқорова. – Қулай шароитларга эга бўлган замонавий ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилиш мароқли, албатта. Меҳнатинг қадрланса, муносиб рағбат берилса, иш сифати ҳам, ҳажми ҳам ортиб бораверади.

Албатта, тадбиркорлар томонидан жойларда ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ички ва ташқи бозорни сифатли, арзон маҳсулотлар билан тўлдирди, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

М.УСМОНАЛИЕВА.

Тадбиркорлик

Данғара туманидаги “Ғумойли” маҳалла фуқаролар йиғинида 4674 нафар аҳоли бўлиб, улар томорқачилик, чорвачилик қаторида, савдо ишлари билан ҳам шуғулланишади, “Барака савдо” масъулияти чекланган жамиятида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият олиб боришади.



Бундан ўн йиллар муқаддам шу жамиятда тадбиркорлик билан машғул бўлган Шавкатжон Холматов бозорни кўзатиб, автомобиллар филофи харидоргир экани, лекин бу маҳсулотнинг камлигини билди. Филоф тикувчи устага шогирд тушди, кўп ўтмай мустақил иш бошлади.

– У пайтда кўп қаватли уйда яшардик, – деб хотирлайди Шавкатжон аканинг турмуш ўртоғи Гулмира опа. – Филоф тикишни менга ҳам ўргатдилар. Астойдил ишга киришдик. Тайёр маҳсулотларни бозорда сотиб, даромад орттирдик. Харидорларимиз кўпайди, ҳатто

уйимизга келиб, буюртма берадиган бўлишди талабгорлар. Бундан олти йил олдин Аҳиллик кўчасида қурилган 2 сотихли намунали уйлاردан бирини ипотека кредити асосида сотиб олдик. Маҳалла фуқаролар йиғинида мурожаат қилгандик, кредит асосида 4 та тикув машинани олишимизга кўмаклашилди. Ҳозирда андоза олиш ва бичишга мўлжалланган ускунамиз компьютерлаштирилган, буни ўғлим Достонбек бошқаради. Тикувчиларга келиним Маҳлиёхон, қизим Сарвиноз ёрдам беришади.

– Автомашина харид қил-

“ҒУМОЙЛИ”ДА АВТОМОБИЛЛАРГА ҒИЛОФ ТИКИЛАДИ

ган киши унга филоф ўрнатишни истайди, – дейди Шавкат ака. – Биз буюртмачиларнинг хоҳиши ва танлаган дизайнига қараб ишлаймиз. Маҳсулотларимиз қўшни шаҳар-туманларга, шунингдек, Қирғизистон Республикаси савдо марказларига етказиб берилмоқда. Чеварларимиз филофларни сифатли ва қалин матодан пишиқ-пухта тайёрлашади, ранги, гуллари, тикилиши бежирим, дизайни харидорларга маъқул келмоқда.

Ихчамгина ҳовлига тартиб билан ўрнатилган бир неча жихозлар, тикув машиналарининг тинмай ғириллайди. Автомашиналарнинг русумига қараб, филоф, ўриндиқлар учун қоплама тайёрлаш жараёни тикувчидан ақл, меҳр билан ишлашни талаб этади. Тикувчиларнинг бири қалин мато чокларини тикса, бошқаси бириктирувчи тугмалар ва белгиларни ўрнатапти. Яна бири сотувга тайёр маҳсулотларга сумка тикипти. Хуллас, бир-биридан чаққон 8 нафар тикувчи хотин-қизлар

дастгоҳларидан кўз узмай, ўз ишлари билан банд.

– Бу ерда етти йилдан буён ишлайман. Иш жараёнида ҳар бир қисмга эътибор билан чок босаман. Маҳсулотларимизни автомашиналарда кўрганимда эса кўнглим яйраб кетади, – дейди Анаора Турғунова.

– Даромадимиздан кўнглимиз тўлади, – дейди асли касби тарбиячи бўлган, бугун эса яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият олиб бораётган Гулмирахон Холматова. – Топаётган маблағларимиз эвазига келин олиб, қиз чиқардик, автомашина харид қилдик. Кредитларни ҳам ўз вақтида тўлаб келаяпмиз.

Мўъжазгина ҳовлисида тадбиркорлик билан шуғулланаётган, нафақат ўзларининг, балки маҳалла аёллари бандлигини таъминлаган Шавкатжон ака ва Гулмирахон опа яқин йилларда ўз маҳсулотлари экспортини кенгайтириш истагида. Бунинг учун янги лойиҳалар бўйича дастлабки қадамлар ташланди.

Маҳиёра
БОЙБОБОВА.



“Бир макон – бир йўл” лойиҳасининг ўн йиллигига



кўра, Марказий Осиё минтақаси учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги асосий хатарлар тупроқ деградацияси, сув ресурслари танқислиги ва қишлоқ хўжалигида эскирган ёндашувлар ҳисобланади. Ушбу соҳада юксак натижаларга эришган Хитойнинг ҳар бир ўзига хос провинциялари ишланмалари асосида Ўзбекистонда инновация марказини ташкил этиш муҳим вазифалардан бири.

Ўзбекистон Президенти “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси иштирокчиларига аввалги

узюқда жойлашган. Хитой – ён қўшни, унинг маблағи ҳам, бозорлари ҳам бор, ҳеч қачон бировнинг ички ишларига аралашмайди ва қаттиқсодий ҳамкорликни тенглик асосида ривожлантириши мумкин.

Сайёҳлар алмашинуви ривожлантириш ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Маълумки, туризм соҳасида реал натижаларга эришиш учун Президент Шавкат Мирзиёев Самарқандда Халқаро Ипак йўли туризм ассоциациясини ташкил этишни ва ҳар йили “Бир макон – бир йўл” сайёҳ-

БИЗ РАҚОБАТЧИ ЭМАС, ҲАМКОРМИЗ!

(Бошланиши 1-бетда).

2013 йилнинг сентябрь ойида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қозоғистонда янги бир лойиҳани эълон қилди. Бу “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси бўлиб, XXI асрда “Буюк Ипак йўли”ни қайта тиклаш, унга дохил мамлакатлар ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш, халқлар ўртасида ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа эди.

Буюк Ипак йўлининг янги лойиҳаси нафақат иқтисодий белбоғ яратади, балки сиёсий мулоқот, йўл инфратузилмаларни бирлаштириш, пул ва эркин савдо айланмаси, маданий-маърифий бойликларнинг уйғунлашуви каби ғоят қимматли йўналишларда ҳам ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш ва ниҳоят, ҳамкорликни ривожлантириш каби вазифани бажаради.

Хитой ташаббуси ўтган йиллар давомида замонавий глобал ривожланиш кун тартибининг ажралмас қисмига айланди. У бугунги кунда Осиё, Европа ва Африканинг қарийб 4,5 миллиард аҳолиси бўлган 60 дан ортиқ мамлакатни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси “Бир макон – бир йўл” ташаббусини аввал-бошданок қўллаб-қувватлади. Мамлакатнинг мазкур лойиҳага жалб этилиши барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш, бутун Марказий Осиёга ижобий таъсир кўрсата оладиган муҳим транспорт ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг устувор мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан муҳим саналади.

Хитойнинг “Бир макон – бир йўл” ташаббуси Осиёни қуруқлик ва денгиз йўллари

орқали Африка ва Европа билан боғлаш дастуридир. У Марказий Осиё, Европа ва Африканинг 60 дан ортиқ мамлакатларини боғлайди. Bloomberg маълумотларига кўра, дастур бутун дунё бўйлаб инфратузилма лойиҳалари 900 миллиард АҚШ долларига баҳоланган.

- **Хитой Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорларидан ҳисобланади. 2022 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 8,5 миллиард АҚШ долларига етди. Хитой сармояси иштирокида қарийб икки мингта корхона фаолият кўрсатмоқда. Умуман, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган Хитой сармояларининг умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ошади.**

Си Цзиньпин аввал бошдан Ўзбекистонни муҳим стратегик ҳамкор деб билди ва Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, умумий ривожланиш ва фаровонликка эришиш учун биргаликда ишлашни таклиф этди. “Биз рақобатчилар эмас, ҳамкорлармиз”, деди у.

Хитой раҳбарининг сўзларига кўра, Президент Шавкат Мирзиёевни “Бир макон – бир йўл” ташаббусининг асосчиларидан бири деб аташ мумкин. 17-18 октябрь кунлари кутилаётган Пекин форумидаги Ўзбекистоннинг иштирокига эътибори эса икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг юқори даражада эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти

Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда ўзаро боғлиқликни кучайтириш, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал этиш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, маданий-гуманитар ва туристик алоқаларни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб келган. Хитой пойтахтида ўтadиган “Бир макон – бир йўл” халқаро ҳамкорлик III форумида ҳам Ўзбекистон Президентининг иштирокчи мамлакатлар манфаатлари йўлидаги қатор амалий таклифлари қутилмоқда.

Хўш, Ўзбекистоннинг “Бир макон – бир йўл” лойиҳасидаги манфаатлари нимада? Аввало, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли иқтисодий йўлаги очилишини Ўзбекистон яна бир бор қўллаб-қувватлайди, деб ҳисоблаймиз. У эса савдони фаоллаштиради, янги иш жойларини яратади, сайёҳларни жалб этади ва Ўзбекистонга транзит даромад келтиради.

Ҳозир Хитой орқали импорт ва экспорт Қозоғистоннинг “Дружба” ва “Хоргос” станциялари орқали бўляпти ва Ўзбекистон ҳам вақтдан, ҳам пулдан ютқазяпти. 500 километрга етмас Андижон – Уш – Қашғар йўналиши орқали Хитойдан мол олиб келиш ёки Ўзбекистон саноат, нефть маҳсулотлари, мева-сабзавотини Хитой орқали Тинч океани портларига олиб чиқиш камидан 30 фоиз арзонга тушади, юк ташиш вақти кескин қисқаради. Қолаверса, Ўзбекистон Хитойдан Афғонистон, Эронга бораётган юклар учун транзит худудига айланиб, миллионлаб даромад қилиши мумкин.

Маълумки, сув муаммоси торабара глобаллашиб бормоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ. Ҳолбуки, иқлим ўзгаряпти, сув ресурсларига эҳтиёж эса ортиб бораёпти. Бундай шароитда “ақлли” қишлоқ хўжалиги, агроинновациялар илмий марказлари зарур. Бугуннинг бу глобал масаласи “Бир макон – бир йўл” билан боғлиқ барча давлатларга тааллуқли. Буни нуфузли халқаро ташкилотлар қайта-қайта таъкидламоқда. Ҳатто, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига

форумда илмий ва инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларида янги тизим яратишни таклиф қилган эди. Зеро, буни ёлғиз бажариб бўлмайди. Замонавий илм-фан, инновацион фаолиятнинг етакчи йўналишлари бўйича тадқиқотлар сезиларли молиявий ва бошқа ресурсларни талаб қилади. Бугунга келиб, 4 та йирик ташаббус: илмий-техникавий ва гуманитар алмашинув, қўшма лабораториялар яратиш, технопарклар ташкил этиш ва технологиялар трансфери соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

“Бир макон – бир йўл” лойиҳасида Ўзбекистоннинг фаол иштироки сиёсий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, пандемия рўй берган йилларда минтақага АҚШ ва Россия босими кучайди. Масалан, дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари етказиб бериш, меҳнат миграциясини тартибга солиш натижасида ўша улкан мамлакатларга қарамлик кучайгандек бўлди. Лекин Ўзбекистон минтақа давлатлари ичида мувозанатли сиёсат юритиб, Хитой, Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан бирдек муносабат олиб бормоқда. “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси иштирокчилари бўлган давлатлар билан тенглик асосидаги сиёсат бир жиҳатдан ташқи босимдан Ўзбекистонни муҳофаза қилиши ҳам бор гап.

Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланишидаги роли ва таъсири ошиб бораётир. Россия хавфсизлик борасида энг муҳим шерик ва таянчдир. Бироқ Россиянинг иқтисодий ва инвестицион имкониятлари нисбатан заиф ва у Марказий Осиё мамлакатларининг ривожланиши билан боғлиқ эҳтиёжларини қоплаши жуда оғир. Гарчи Қўшма Штатлар ва Европа Иттифоқининг халқаро таъсири катта бўлса-да, улар Марказий Осиёдан жуда

лик форумларини ўтказишни йўлга қўйишни таклиф қилган эди. Бундай форум муваффақиятли ўтди ва дарҳақиқат, салмоқли кўрсаткичлар пайдо бўлди. Ўзбекистон туризмининг ривожлантириш учун жиддий салоҳиятга эга. Мамлакатда 7,4 мингдан зиёд маданий мерос объектлари бўлиб, улардан 209 таси ЮНЕСКО-нинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган. Бундан ташқари, республикада 11 та миллий табиий боғлар ва давлат қўриқхоналари, 106 та музей ва сайёҳларни жалб қилиши мумкин бўлган бошқа туристик манзиллар мавжуд.

“Бир макон – бир йўл”га аъзо мамлакатлар билан сайёҳлик соҳасида фаол ҳамкорлик Ўзбекистон учун катта имкониятларни очади. “Бир макон – бир йўл”нинг 60 мамлакатни энг йирик ташқи турист “етказиб берувчилар”дир. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёдаги сайёҳлар томонидан сарфланган пулларнинг 20 фоизидан кўпроғи Хитой улушига тўғри келади. Гарчи рақам 2017 йилга тегишли бўлса-да, ўшандаёқ улар томонидан туризмга 250,6 миллиард АҚШ доллари сарфланган. Экспертларнинг қайд этишича, 2022 йилда Хитой сайёҳларининг сони 200 миллионга, уларнинг харажатлари 429 миллиард долларга етган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг “Бир макон – бир йўл” давлатлари билан ҳамкорлиги улкан ва ҳали тўла амалга оширилмаган салоҳиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Оқил САЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги.
(“Фарғона ҳақиқати” учун махсус).



ВОДИЙ ОВОЗИ

№ 8

Инсон танасида баҳорга келиб қувват дори бўлган эртаки сабзавот маҳсулотлари ва кўкатлар истеъмолига эҳтиёж кучли бўлади. Шунинг учун ота-боболаримиздан кўк сомса, сумалак каби турли таомлар ҳозиргача мерос бўлиб келяпти. Айнан шунинг учун ҳам деҳқонлар қиш совуғига чидамли пиёз, сабзи, ош лавлаги, кашнич, салат каби-ларнинг ҳосили йиғиб олинган майдонларга тўқсонбости усулида экишмоқда. Масалан, Уйчи туманининг ўзида 2900 гектар ерга пиёз экиш режалаштирилган эди.

– Уни экиб бўлдик, – дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Аҳаджон Қосимов. – У биринчи сувдан чиқди. Ноябрь ойида қорбосди пиёзларни ҳам экишни бошлаймиз.

Уйчилик деҳқонлар тўқсонбости усулининг усталари, деб бежиз айтмас эканлар. Маълумки, туман ҳудудининг қарийб учдан бир қисми қиялик ва тепалиқдан иборат адирлар. Экиндан бўшаган ерлар шихмола қилиниб, қолдиқ илдишлардан тозаланди. Майдон сатҳи ерлари текисланди. Шундан кейин сепилган уруғлар бугун бир текис униб чиқди.

– Тўқсонбости пиёзини 2,5 гектарга эккандим, ҳозир учинчи сувини беряпмиз, – дейди Абдуваҳоб Набиев. – “Корея уруғи” деган нав сепилган. Худо хоҳласа, келгуси йил май ойининг ўн

НАМАНГАН

бешинчи кунгача пишади.

Бундай шароитда агротехникага риоя қилиш бир муаммо бўлса, экинни суғориш яна бир муаммо. Аммо Абдуваҳоб Набиев каби сувчилар учун имконсиз ишнинг ўзи йўқ.

– Ерларимиз паст-баландлиги учун қора қоғозни қирқиб сув нови ясадик. Икки ёнига чўп тиқиб тиклаб қўйганмиз. Қиялик ерларда ҳам сув охиригача бир хил оқаверади. Сув йўлининг эгат бошидаги тешигига лойқа тиқилмаслиги учун тозалаб тура-миз, – дейди уста сувчи.

Бундай усул камхарж, аммо ғоят самарали.

– Ҳукумат қарори ва топшириги билан кам таъминланган, ишсиз ёшлар, “Аёллар дафтари”да турадиганларни иш билан таъминлаш мақсадида 1100



гектар ер ажратиб берилди. Уларнинг ҳар бири 15 сотихли ер эгаси бўлди. Бу ерларга ҳам тўқсонбости усулида пиёз экилди, – дейди Аҳаджон Қосимов.

Деҳқоннинг шашти баланд. Бу марралар ҳам эгалланишига шубҳа йўқ.

УЙЧИДА ТЎҚСОНБОСТИ ЭКИНЛАРИ УНИБ ЧИҚМОҚДА

ЧОРТОҚДА ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ИШГА ТУШДИ

Бугун Чортоқда минерал тузларга бой шифобахш сув билан даволовчи бир неча сихаттоқлар ишлаб турибди. Шунингдек, Чортоқ сувини қадоқловчи “Chortoq mineral water” корхонаси олинаятган сув соатига 10 минг дондан қадоқлиниб, истеъмолчиларга юборилапти. Ўтган 2022 йилнинг ўзида 30 миллион дондан зиёд яшил рангли шиша идишларда сув ишлаб чиқарилди.

– Минерал сув таркибидаги тузлар инсон организмнинг бир кунлик йодга бўлган эҳтиёжини қоплай олади, – дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Алишер Абдуллаев. – Уни Европа давлатлари ва Америкага экспорт қиляпмиз. Шу кунларда Осиё давлатларига экспорт қилиш масаласи юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Чортоқ минерал суви Ўзбекистоннинг ўзида ҳам харидоргир. Шунинг учун корхона мутахассислари илмий изланишлар олиб бордилар ва яна бир қудуқ қазидилар. 25 йиллик сув захирасидан сув тортиб, уни қадоқлаш линияси шу кунларда фойдаланишга топширилди ва бу билан Чортоқда янги қувватлар ишга туширилди.

– Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун хориждан янги ускуналарни олиб келдик, – дейди бош муҳандис Аюбхон Нажмидинов. – Улар Франция ва Италия технологияси бўлиб, дунёдаги энг сўнгги ишланмалардир. Соатига 30 минг донда пластик идишга сув қадоқлаш қувватига эга. Биринчи босқичда биз бир сменада иш ташкил этамиз. Кейинги босқичда икки ва уч сменага ўта-миз.



Харидор кўникиб қолган Чортоқ суви энди икки хил идишда: минераллашгани яшил шиша идишда ва оддий, чанқоқбосдисиди эса пластик идишда қадоқланмоқда.

ВИЛОЯТ ТЕАТРИ ОЗАРБАЙЖОНДА

Эндиги навбат Корея Республикаси ва Сингапурга!



Наманган вилояти мусиқали драма театри репертуарида бугун йигирмадан зиёд сахна асарлари ижро этилмоқда. Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов қаламига мансуб “Бу чоллар ажиб чоллар” ҳажвий спектакли эса 15 йилдан буён сахнадан тушмайди.

– Асардаги асосий воқеа бир қишлоқдаги оддий чоллар ҳаётига бағишланган, – дейди режиссёр ва актёр Маъруфжон Ниёзов. – Унда инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, бойликка ружу қўйиш оқибатлари каби ҳаётий лавҳалар акс эттирилади. Бу асарни Наманган шаҳар-туманлари, бошқа вилоятларда ҳам намойиш этдик. Куни кеча эса “Бу чоллар ажиб чоллар” спектаклини Озарбайжон томошабинларига тақдим қилдик.

Ҳа, театр жамоаси айнан шу асарни октябрь ойининг илк кунлари Боку шаҳрига гастрол

чоғида Озарбайжон давлат академик мусиқали драма театри сахнасида ижро этдилар.

Қардош юрт театр ихлосмандлари наманганлик санъаткорлар маҳоратини эътироф этиб, давомли қарсақлар билан олқишладилар.

Наманган вилояти театри жамоасининг ижодий режалари катта ва унинг сафар жадвали жуда тигиз.

– Ҳозир чет эл драматурглари ва Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асарларини сахналаштиряпмиз, – дейди театр директори Нозимжон Тошпўлатов. – Вилоят ҳокимлиги кўмагида Америка, Корея Республикаси, Россия, Япония каби мамлакатлар театрлари жамоалари билан ўзаро ижодий сафар алмашуви бўйича музокаралар олиб боряпмиз. Яқин кунларда эса Корея ва Сингапурга йўл оламиз.

Саҳифани Мухаммаджон ОБИДОВ тайёрлади.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Жавобсиз қолган савол

“КУЁВТЎРА” ОТДАН ТУШДИ, АММО УЗАНГИДАН ЭМАС

Маҳалладаги оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг навбатдаги мажлисида бир оила – эр-хотинларнинг никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ можароси кўриб чиқилди.

Бунгача вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида аёл билан юзма-юз мулоқотга киришдим ва оила қўрғонининг кунпаякун этилишига арзигулик сабаб борми-йўқлиги билан қизиқдим.

– Ўзим ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман, – деди Нигора (исм-шарифлар ўзгартирилган) мунг қотиб қолган нигоҳларини ердан узмай. – Биз атиги уч йил бирга яшадик. Ўша кезларда ҳам у турмушидан қониқмаётганини, менда кўнгли йўқлигини айттарди. Бу сўзлар юрагимга наштардек санчилса-да, ўртамизда икки нафар қизчаларимиз борлиги учун тишимни-тишимга босиб чидашга мажбур эдим. Кейинчалик эримнинг маҳалламиздаги бир аёл билан пинҳона “учрашаётгани”ни эшитдим. Шунда ҳам лом-мим демадим. Лекин бир куни унинг қатъий талаби билан кўч-қўронимни олиб, ота уйимга қайтишга мажбур бўлдим.

– Кўнглингизга олмангу, билиб-билмай унинг ғурурига тегадиган бирор ишга қўл урмаганмисиз? – сўрадим минг бир андиша билан.

– Тушунишимча, хиёнат қилганингиз йўқми, деяпсиз шекилли? Бу ҳақда маҳалламизга бориб суриштирсангиз, маъқулроқ бўлармиди?!

– Хўп, майли, – бу гапдан кейин ён беришга тўғри келди, – эрингиз-ку ажрашиш ниятида экан, сиз-чи?

– Ростини айтайми? Унинг Гўзал исми аёлга айланишиб қолгани – бор гап. Бунинг бутун маҳалла билади. Аммо мен, қанчалик оғир бўлмасин, ҳаммасига кўз юмиб, яна бирга яшасам дейман. Фарзандларим тирик етим бўлишини минбаъд истамайман.

Шундан кейин хонага Ёдгор кириб келди-ю, суҳбатимизга яқун ясалди.

У қадди-баста келишган, боз устига гапга чечан йигит экан. Ҳали стулга ўтиришга улгурмаёқ, орага ҳеч қандай гап-сўз сифмаслигини таъкидлаб, ўзи тупурган тупугини қайтиб олмайдиганлар хилидан эканлигини писанда қилди.

– Ажрашиш-ажрашмаслик – бизнинг оилавий ишимиз ва

бунга аралашинишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, шундай бўлгач, ўз хулосангизни тайёрлаб берсаларингиз бўлди – олам гулистон!

Ё, тавба! Жамиятнинг бир бўлаги – эру хотин икки нафар фарзанддан иборат бутун бошли оила таназулга юз тутай деб турибди-ю, қанақасига олам гулистон бўлсин!

Тўғри, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида белгиланишича, никоҳ тузиш ёхуд никоҳни бекор қилиш эр-хотиннинг истаги билан амалга оширилади. Аммо бу Ёдгор сингари эркаклар кўнгли тусаган пайтида истаган аёлига уйланишга, ёқмай қолган пайтида паттасини кўлига тутқизиб, жўнатворишга ҳақли, дегани эмас. Бинобарин, мамлакатимиз Бош Қонунида ҳар бир оила давлат ва жамият ҳимоясида эканлиги ҳам аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилган.

Шу каби эътирозлардан кейингина “куёвтўра” отдан тушди, аммо узангидан эмас.

Қайтанга бир неча йилдан бери ёлғиз яшаб қийналганини, никоҳи бекор қилиниши биланоқ қайта уйланиш тарадудидида эканлигини ошкор қилишдан орланмади.

– Келинга кўнглингиз йўқ экан, нега унга уйлангансиз? – деб сўради комиссия аъзоларидан бири.

– Ёш эканман, ота-онамнинг раъйига қарши боролмаганман.

– Нега унда фарзандларингиз дунёга келмай туриб ўша хатоингизни тузатмадингиз? Бугун эмас, ўша пайтдаёқ ажрашсангиз яхши эмасиди?

Бу саволга жавоб бўлмагач, навбатдаги савол ўртага ташланди.

– Ажрашиб кетсангиз, вояга етмаган қизалоқларингиз тақдири нима бўлади?

– Унда катта қизим Нигорани менга берсин, кичиги ўзида қолсин.

Бу гапни эшитдим, бир ривоят ёдимга тушди. Айтилишича, чақалоққа оналикни даъво қилаётган икки аёлни қозихонага олиб боришибди.

Қози уларни муроасага келтиришга кўп ва хўп уринибди. Фойдаси бўлмагач, қилич билан чақалоқни тенг иккига бўлиб, ярмини бирига, иккинчи ярмини иккинчисига бериш ҳақида ҳукм чиқарибди.

Биринчи аёл бунга рози бўлибди. Иккинчиси эса “Қози жаноблари, ҳукмингизни ўзгартиринг, майли, болани унга бера қолинг, зурриёдим нобуд бўлмасин!” – деб ёлворибди.

Донишманд қози боланинг ҳақиқий онасини шу ҳийла билан аниқлаган экан. Хулоса чиқарадиган бўлсак, тирик етимга айланиш арафасида турган болаларнинг бирини тарбиясига олиб, иккинчисидан воз кечаётган “куёвтўра”нинг ўша сохта “она”дан нима фарқи бор?!

Борди-ю шундай қилинса, ота ёки онадан тирик етим қолган қизалоқлар бир-бирларидан ҳам жудо бўладиларми?

Навбатдаги савол:

– Агар никоҳингиз бекор қилингудек бўлса, аёлингиз ва фарзандларингиз қаерда яшайди?

– Унда ўртада ҳеч қандай ришта қолмайди. Шундай экан, бегона аёлнинг қаерда ва қандай яшаши билан менинг нима ишим бор!

Хуллас, оилани асраб қолиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлардан ҳеч қандай фойда бўлмади.

“Куёвтўра” хонадан чиқиб кетгач, каловланиб қолган аёл яна жавдираб бизга юзланди:

– Энди нима қиламан?..

**Дурдона ҒОФФОРОВА,
Фурқат тумани.**



Расмий муносабат

Ҳисоблагич орқали чекловлар қўлланиладими?

Ижтимоий тармоқларда электр энергияси истеъмоли бўйича киритилган ўзгартиришлар яна нотўғри талқин қилинмоқда. Унда ёзилишича, энди хонадонда бирданига учта кондиционерни ула-сангиз, ҳисоблагич токни автоматик тарзда узиши ёки ҳисоблагич орқали 10-15 кВт қувват доирасида чеклов киритилади.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ матбуот хизмати раҳбари Фахриддин Нуралиев ушбу хабарлар юзасидан қуйидагича маълумот берди:
– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22-сонли қарори билан "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"нинг тегишли бандига ўзгартириш киритилган. Унга кўра, жорий йил 1 ноябрдан бошлаб истеъмолчиларга эҳтиёжлари учун зарур бўлган қурилмаларнинг минимал қувватидан (ҳамда жойлашган худудидан) келиб чиқиб, ҳисоблагич орқали 10-15 кВт қувват доирасида чеклов киритилиши белгиланган. Таъкидлаш жоизки, бундай чора эскир-

ган ва ортиқча юклама билан ишлаётган электр тармоқлари ва трансформатор пунктлари жойлашган маълум бир худудларда истеъмолчиларни узоқ вақт электр таъминотидан узилиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида зарурат юзасидан қўлланилади. Яъни, бу йил қиш ва ёз ойларида қузатилган ноқулай об-ҳаво шароити каби вазиятлардагина маълум бир вақт оралиғида электр тармоқларига ортиқча юкламалар тушишининг олдини олиш учун амалга оширилади. Маълумот ўрнида, юқоридаги қарорга асосан "Худудий электр тармоқлари" АЖ томонидан электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишининг



автоматлаштирилган тизими доирасида истеъмолчиларга эҳтиёжлари учун зарур бўлган қурилмаларнинг минимал қувватидан ҳамда жойлашган худудидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоблагич орқа-

ли 10-15 кВт қувват доирасида чеклов киритилиши белгиланганини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА.

"UZ-HANWOO ENGINEERING" MChJ qo'shma korxonasining quyidagi lavozimi uchun tanlov asosida ishga qabul qilinadi.

Bosh direktor lavozimiga – yoshi 35-60 yoshgacha bo'lgan, bosh direktor yoki bosh direktor o'rinbosari lavozimida kamida 5 yil ish stajiga ega, oliy ma'lumotli mutaxassis hamda sudlanmagan bo'lishi shart.

Jamiyat ustavida belgilangan tartibda Xodimga O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga, jamiyat ustaviga muvofiq Jamiyatning joriy faoliyatini boshqarish bo'yicha Jamiyat ijroiya organi funksiyasini bajarishni topshiradi. Kompaniyaning joriy faoliyatini o'z vakolatlari doirasida boshqarish, uning samarali va barqaror ishlashini ta'minlash. Kompaniyaning barcha tarkibiy bo'linmalari va uning xodimlarining ishini va samarali o'zaro hamkorligini tashkil etish. Ishlab chiqarish va ijtimoiy sohani rivojlantirish uchun zarur bo'lgan, ammo kompaniyaning

biznes-reja parametrlaridan past bo'lmagan miqdorda foyda olishni ta'minlash. Kompaniyaning biznes-rejalari va rivojlanish dasturlarini ishlab chiqarishni boshqarish, ularning bajarilishini tashkil etish va nazorat qilishni bilishi hamda sudlanmagan bo'lishi shart.

Tanlovga qatnashadigan har bir shaxs o'zining ma'lumotnomasini (obektivka), pasport nusxasini, diplom nusxasini hamda oxirgi ish joyidan mehnat shartnomasini bekor qilganligi to'g'risida buyruqdan ko'chirmani aloqa pochta orqali korxonaga xodimlar bo'limiga taqdim qilishi so'raladi.

Nomzodlar orasidan raxbarlik lavozimiga ma'qul xodim ta'sischilarning maxsus komissiyasi tomonidan tanlov nizomiga asosan tanlab olinadi.

Tanlovga hujjatlarni qabul qilinishining oxirgi muddati 2023 yil 26-oktabr.

Murojaat uchun telefon: +998 33 672 11 10.

«INSON» АЖ суғурта ташкилотига тегишли бўлган 064454, 030801, 050198, 059442 - сонли ихтиёрий суғурта полис бланкалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Farg'ona jamoat salomatligi tibbiyot instituti

Kafedra mudirlari va fanlar bo'yicha professor-o'qituvchilarning quyidagi vakant lavozimlariga tanlov e'lon qiladi:

I. Kafedra mudirlari:

"Jamoat salomatligi, sog'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish va sport" kafedrasini.
"Biotibbiyot muhandisligi" kafedrasini.
"Xalq tabobati va farmakologiya" kafedrasini.
"Fakultet va gospital jarrohlik" kafedrasini.

Kafedra mudirligi lavozimiga tanlovda fan doktorlari, professorlar yoki fan nomzodlari, dotsentlar qatnashishi mumkin.

II. Dotsentlar:

Ichki kasalliklar propedevtikasi – 1 o'rin.
Travmatologiya va ortopediya – 1 o'rin.
Akusherlik va ginekologiya – 1 o'rin.
Xirurgik kasalliklar – 1 o'rin.
Gistologiya – 1 o'rin.
Nevrologiya – 1 o'rin.

III. Katta o'qituvchilar:

Rus tili – 1 o'rin.
Psixologiya va pedagogika – 2 o'rin.
Kommunal gigiyena – 2 o'rin.
Ovqatlanish gigiyenasini – 1 o'rin.
Jamoat salomatligi – 1 o'rin.
Epidemiologiya – 1 o'rin.
Mikrobiologiya, virusologiya va immunologiya – 1 o'rin.
Mutaxassislikka kirish (biotibbiyot yo'nalishi) – 1 o'rin.
Ichki kasalliklar propedevtikasi – 1 o'rin.
Nevrologiya – 1 o'rin.
Anatomiya – 2 o'rin.
Biologiya – 2 o'rin.
Pediatriya – 1 o'rin.
Tibbiyotda axborot texnologiyalari – 1 o'rin.
Katta o'qituvchi lavozimiga fan doktori, fan nomzodi yoki magistr darajasiga va kamida 5 yil mehnat stajiga ega bo'lgan mutaxassislar hujjat topshirishlari mumkin.

IV. Stajyor o'qituvchilar:

Nevrologiya – 3 o'rin.
Akusherlik va ginekologiya – 5 o'rin.
Pediatriya – 1 o'rin.
Otorinolaringologiya – 3 o'rin.
Stomatologiya – 6 o'rin.
Anatomiya – 2 o'rin.
Urologiya – 1 o'rin.
Onkologiya – 1 o'rin.
Fiziologiya – 3 o'rin.
Farmakologiya – 3 o'rin.
Fizioterapiya – 1 o'rin.
Travmatologiya va ortopediya – 1 o'rin.
Terapiya – 2 o'rin.
Xirurgik kasalliklar – 3 o'rin.

V. Assistentlar:

Mehnat gigiyenasini – 1 o'rin.
Gigiyena. Tibbiy ekologiya – 3 o'rin.
Kommunal gigiyena – 1 o'rin.
Harbiy gigiyena – 1 o'rin.
Jamoat salomatligi – 1 o'rin.
Tibbiyotda axborot texnologiyalari – 3 o'rin.
Matematika va matematik statistika – 1 o'rin.
Dermatovenerologiya – 2 o'rin.
Patologik fiziologiya – 1 o'rin.
Fiziologiya – 1 o'rin.
Akusherlik va ginekologiya – 1 o'rin.
Mikrobiologiya, virusologiya va immunologiya – 5 o'rin.
Travmatologiya va ortopediya – 3 o'rin.
Gistologiya – 1 o'rin.
Otorinolaringologiya – 1 o'rin.
Stomatologiya – 2 o'rin.
Umumiy xirurgiya – 1 o'rin.
Biokimyo – 3 o'rin.
Fizik va kolloid kimyo – 1 o'rin.
Hayot faoliyati xavfsizligi – 1 o'rin.
Fizika, biofizika – 1 o'rin.

VI. O'qituvchilar:

O'zbek tili – 1 o'rin.
Lotin tili terminologiyasi – 3 o'rin.
O'zbekistonning eng yangi tarixi – 1 o'rin.
Manzil: Farg'ona shahar, Yangi Turon ko'chasi, 2-uy. Telefon: (73) 243-06-62.

FARG'ONA POLITEXNIKA INSTITUTI

QUYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E'LON QILADI:

I. KAFEDRA MUDIRI LAVOZIMIGA:

Tadbiqiy mexanika kafedrasini – 1
Arxitektura kafedrasini – 1

II. KAFEDRA PROFESSORI LAVOZIMIGA:

Buxgalteriya hisoboti va audit kafedrasini – 1

III. KAFEDRA DOTSENTI LAVOZIMIGA:

Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiyasi kafedrasini – 1
Bino - inshootlar qurilishi kafedrasini – 1
Chizma geometriya va muhandislik grafikasi kafedrasini – 1
Menejment kafedrasini – 1
Iqtisodiyot kafedrasini – 1

IV. KAFEDRA KATTA O'QITUVCHISI LAVOZIMIGA:

Oliy matematika kafedrasini – 1
Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi kafedrasini – 1
Chizma geometriya va muhandislik grafikasi kafedrasini – 1
Kimyo va kimyoviy texnologiya kafedrasini – 1

V. KAFEDRA ASSISTENTI (O'QITUVCHISI) LAVOZIMIGA:

Tadbiqiy mexanika kafedrasini – 1
Arxitektura kafedrasini – 1
Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti kafedrasini – 1
Kimyo va kimyoviy texnologiya kafedrasini – 1
O'zbek tili va tillarni o'rgatish kafedrasini – 1
Ijtimoiy fanlar va sport kafedrasini – 1
Oziq-ovqatlar texnologiyasi kafedrasini – 1
Tabiiy tolalar kafedrasini – 1

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy.

Murojaat qilish uchun manzilgohimiz: Farg'ona shahar, Farg'ona ko'chasi, 86-uy. Telefon: 91 665-72-05. Kengash kotibi.

Янги топилма!

АКАДЕМИК ОЛОВИНЦОВ:

ЧИНГИЗХОН ИМПЕРИЯСИНИНГ
ДАВЛАТ ТИЛИ ТУРКИЙ БЎЛГАН

Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Чингизхон номидаги Халқаро академиянинг (Мўғулистон) академиги Анатолий Оловинцовнинг "Турклар ёки мўғуллар? Чингизхон даври" китобининг тақдироти бўлиб ўтди.


Китобда муаллиф Чингизхон асос солган империянинг давлат тили туркий бўлганига 11 та далил-ҳужжат келтирган. Китоб Мўғуллар давлати тарихининг XIII-XIV асрларини қамраб олган, деб хабар қилди Today.

Далиллар орасида 1246 йилги Гуюк хоннинг давлат муҳри (Ватиканга юборган мактубидан), чингизийлар тоши (1219-1224 йилларда, яъни Чингизхон ҳаёти даврида

ишланган), Днепрдан Хитойгача топилган турли хил ёрликларга ишланган муҳрлар, Хубилай хон авлодларига юборган рисола (Истанбул), Марказий Осиёнинг баъзи ҳукмдорларининг мактублари мавжуд.

Академик Оловинцовнинг сўзларига кўра, тарихий ҳужжатларда битилган барча ёзувлар туркий тилда бўлган. Уларнинг баъзилари уйғур алифбосида ёзилган.

Академик ҳужжат сифатида Хитойнинг илк қоғоз пуллари – юанини ҳам келтирган. "Илк қоғоз пуллариغا Кублай хоннинг давлат муҳри урилган, унда эса, уйғур алифбосида ёзилган туркий сўзлар бўлган", дейди Оловинцев.

Абу МУСЛИМ
тайёрлади.

Ижодий сафар

ВУХАНЬ – ХУБЭЙ
ПРОВИНЦИЯСИНИНГ
МАЪМУРИЙ МАРКАЗИ

Бизни Пекин тонгги кутиб олди. Айни шаҳар номини олган халқаро аэропортда ҳаёт қайнапти: самолётларнинг бири учиб, бири қўнади. Пойтахт маркази – Тянанмен майдонидан 46 километр масофада жойлашган аэропортнинг биринчи терминали 2019 йил 25 сентябрда фойдаланишга топширилган ва у дунёдаги энг катта терминал ҳисобланиб, 700 минг метр-квадрат майдонга эга. Бетакдор архитектура ечимларини ўзида мужжасам этган мазкур аэропорт дизайни дунёга машҳур меъмор Заҳа Ҳадидга тегишли компания томонидан ишланган. Йилига 45 миллион йўловчига хизмат

кўрсатади. Терминал 79 та кириш-чиқиш эшикларига эга ва исталган йўналиш бўйлаб унинг марказига бориш учун 8 дақиқадан кўпроқ вақт талаб этилади. Маҳаллий вақт билан 11:20да Пекин – Вухань йўналиши бўйлаб деярли 3 соат давом этадиган навбатдаги парвоз учун яна самолётга кўтарилдик. Вухань — Хитойнинг шарқий қисмида жойлашган, Хубэй провинциясининг маъмурий маркази ҳисобланади, аҳолиси – 12 миллиондан зиёд. Тарихий манбаларда келтирилишича, эрамыздан аввалги биринчи мингйилликда ушбу шаҳар ўрнида қишлоқлар мавжуд бўлган ва 1953 йилда Ханькоу, Ханьян ҳамда Учань номли шаҳарчалар бирлашуви асосида яхлит шаҳар мақомини олган. Ҳозирда мамлакат транспорт йўлларининг асосий чорраҳаларидан бири сифатида машҳур.

Аэропортдан бизга ҳамроҳликни бошлаган маҳаллий журналистларнинг айтишича, Вухань шаҳри 3 тарихий қисмдан иборат ва уларни ажабтовур 13 та кўприк ўзаро туташтирган. 2009 йилнинг декабрь ойида шаҳарда 11 та платформадан иборат янги темир йўл вокзали очилди. 2012 йилдан бошлаб вуханликлар пойтахтга поезд орқали тўғридан-тўғри бориш имконига эга бўлишди. Вухань – мамлакатда метро йўналиши мавжуд бўлган олтинчи шаҳар ҳисобланади.

Йўловчи ташиш бўйича мамлакатда етакчи ўринларда турувчи Вухань аэропорти ҳамда Янглоу дарё портидан то Шанхайгача давом этувчи сув йўлига эга. Дунёдаги 17 та давлатнинг 18 шаҳри

билан ўзаро биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Сафар дастурига биноан, илк ташрифимиз "CHINA GEZHOUBA GROUP CO., LTD"га бўлди. Ушбу йирик компания цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 1971 йилда ташкил этилган ва айни пайтда 2 минг нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Давлат тасарруфидаги компания ўзининг 19 та шўъбаси ҳамда филиалларига, йилига 30 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Халқаро таснифларга тўлиқ мос келувчи 8 хил цемент дунёнинг исталган нуқтасига етказиб берилади.

Компания таркибида бирлашган корхоналар 11 та ихтиро патенти ва 121 та фойдали модель патентини қўлга киритган бўлиб, умумий ҳисобда турли даражадаги 51 та муқофотга сазовор бўлган. Марказий Осиёда Ўзбекистон (Самарқанд шаҳри) ва Қозоғистон билан ҳамкорликда қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

Хубэй Халқаро алоқалар маркази (HICC – Hubei international communication center) ходимлари ҳамда журналистлар билан соҳага оид фикр-мулоҳазалар алмашилди. Айтишларича, Хубэй Медиа гуруҳи ўз таркибида радиоэшиттириш, телевидение, кино ва телесериаллар, кабель тармоқлари, газеталар ва бошқа ресурсларга эга. Журналистика – кенг қамровли ижтимоий куч сифатида мамлакатда биринчи ўринда туради. Биргина Hubei TV эфирларини барча провинцияларда қарийб 1,24 миллиард томошабин кузатиб боради. Шунингдек, ижтимоий тармоқдаги платформалари 280 миллион обуначини жамлаган.

Сафаримиз давом этмоқда.

Давлатжон ПОЛВОНОВ.

Фарғона шаҳар ҳокимлигининг хўжалик ҳисобидаги уй-жой бўлими шаҳардаги барча қурилиш ташкилотларини Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси, 61-сонли оилавий ётоқхона, Фарғона шаҳар, Қўқон кўчаси, 44-а уй, 78-хонадон ва Фарғона шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси, 21/1-уй, 22-хонадонларни таъмирлаш ишлари учун ички тендерга таклиф қилади.

Манзил: Фарғона шаҳар ҳокимлиги, 5-қават. Телефон: 91 681-42-99.

ТАБИЙ ОФАТ
ХАВФИНИ
КАМАЙТИРИШ–
ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Фарғона вилояти Фавқулдда вазиятлар ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида табиий офатлар хавфининг олдини олиш ва камайитириш бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

– Кейинги вақтларда ер қуррасининг турли минтақаларида рўй бераётган кучли zilzila, тўфон, ёнғин ва бошқа табиат ҳодисалари олдида инсоният ожизлиги сезилиб қолмоқда, – дейди вилоят Фавқулдда вазиятлар бошқармасининг ёнғин техник маркази раҳбари Дилмуроджон Ҳамракулов. – Баъзи ҳолатларда эса одамларнинг ўзи билиб-билмай табиатга зарар етказмоқда. Утган вақт давомида бошқарма томонидан табиий офатларга бағишланган қатор анжуманлар, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилди. Булар натижасида фавқулдда вазиятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.

Вилоятимизнинг айрим ҳудудлари сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Шунингдек, сел, сув тошқини билан боғлиқ табиий офатлар юз бериши эҳтимоли мавжудлиги биздан бу масалага жиддий эътибор қаратишни, доимо хушёр ва сергак бўлишни талаб этади.

Тадбир доирасида ташкил этилган пресс-турда журналистлар фавқулдда вазиятлар содир бўлганда қандай ёрдам кўрсатилиши юзасидан ўқув амалиёти акс эттирилган кўргазмалар, махсус техника ва жиҳозлар билан танишдилар.

МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyatiБош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1936 нусхада чоп этилди. Бюджет № 640. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Сохибкирон Темур
кўчаси, 28-уй.Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.Саҳифаловчи: Илҳомжон Жуманов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 17.00.